



## Сизларнинг яхшиларингиз, ахлоқи яхшиларингиздир

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам фаҳш ишларни қилмас ва ҳеч қачон сўкинмас эдилар. Ул зот: «Сизларнинг яхшиларингиз, ахлоқи яхшиларингиздир», дер эдилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Қабиҳ сўз ва феъллар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ахлоқларидан эмас эди. Фаҳш ишлар томонга интилмас ва қасддан бажармас эдилар, балки У зот улуғ хулқ эгаси эдилар. Ул зот: «Сизларнинг яхшиларингиз, ахлоқи яхшиларингиздир», дер эдилар». Чиройли хулқ – яхшилик қилиш, очиқ юз, бошқаларга азийят бермай уларни азиятини кўтариш ва инсонлар билан чиройли тарзда аралшиб юриш билан бўлади.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5803>

النّجاة الخيرية  
ALNAJAT CHARITY

